

**Тошкент вилоятининг “Оҳангарон” ва “Майдонтол” маиший
чиқиндилар полигонларида ҳосил бўладиган чиқинди газини қайта
ишлаш ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш” лойиҳаси ҳақида**

МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи давомида имзоланган ўзаро келишув Меморандуми доирасида 2018 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикасининг “Sejin G&E Co., Ltd.” компанияси билан Инвестиция шартномаси тузилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрдаги 895-сон қарори билан тасдиқланган.

Инвестиция шартномасига асосан, “Sejin G&E Co., Ltd.” компанияси иштирокида **55,0 млн. АҚШ доллари** миқдоридаги тўғридан-тўғри инвестиция маблағлари ҳисобига Тошкент вилоятининг **“Оҳангарон”** (Оҳангарон тумани) ва **“Майдонтол”** (Паркент тумани) маиший чиқиндилар полигоида ҳосил бўладиган **чиқинди газидан** (метандан) умумий ишлаб чиқариш қуввати камида **16 МВт** бўлган **электр энергияси ишлаб чиқарадиган 12 та** янги замонавий генераторлар ва ёрдамчи ускуналар (қуввати **1 560 кВт** бўлган **10 та** қурилма ва қуввати **500 кВт** бўлган **2 та** қурилма) ўрнатиш бўйича мажбуриятлар олган.

2022 йил 1 апрель ҳолатига